

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ СЕМИЗЛИК ФОНИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ГОНАРТРОЗЛАРДА ТИЗЗА БЎҒИМИ СОН СУЯГИ ЮЗАСИ ГИАЛИН ТОҒАЙИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ

**Атажанов Муродбек Хударганович., Рузибаев Рашид Юсупович., Каримов
Расулбек Хасанович.**

Урганч давлат тиббиёт институти.

Аннотация: Хоразм вилоятида яшовчи аёлларда турли хил семизлик фонида юзага келган гонартрозларда тизза бўғими сон суюги юзаси гиалин тоғайи патоморфологиясида асосий жихатдан сон суюги бўғим юзаси олди ва ўрта ички юзасида гиалин тоғайларида алтерация ва гиалин моддасини эрозив емирилиши билан давом этишидир. бунда менисклар ва олдинги хочсимон бойламларни шикастланиши оқибатида, бўғим юзалари оғирлик таянч нуқтасини ўзгариши натижасида гиалин қоплами таркибидаги коллаген толаларни титилиши, ишқалинишни кучайиши хондроцитлар жойлашган ўрта ва чуқур сохаларида дистрофик ва некробиотик ўзгаришлар устунлиги билан давом этиши натижасида, эпиметафизао сохалар билан биргаликда шикастланиш кучаяди.

Калит сўзлар: патоморфология, бғим юзаси, гонартроз, семизлик, гиалин қопламаси, коллаген толалар.

Муаммони долзарблиги: Дунёда аҳолиси орасида аёлларда семизлик туфайли тизза бўғими остеоартрити билан жами 7,6-8,1% аҳолиси азият чекади. АҚШда тизза бўғими остеоартрити (ТБОУ) ногиронликнинг асосий сабаби бўлиб, семизлик эпидемияси туфайли 50 ёшдан ошган аёлларнинг қарийб 35-40%да гонартрознинг турли даражалари аниқланган.

WHO (ЖССТ) маълумотларига кўра, Европа ва Буюк Британияда 45-50 ёшлиларни 60%да ортиқча вазн сабабли, тизза бўғими остеоартрити (ТБОУ) аёллар орасида 38-43,1% ни ташкил этгани аниқланган.

Россия федерацияси 2024 йилги маълумотларга кўра, Россияда аёллар орасида семизлик тарқалиши 28.6% га етган (эркакларда 20.9%). Гонартроз билан оғриган аёллар гуруҳида семизлик эркакларга нисбатан 83% га кўпроқ учрайди. МДХ давлатларида бу кўрсаткич 2022 йилдаги маълумотлар бўйича, 45-55 ёшли аёллар орасида 38,4-51,3% ни ташкил этиб, бу кўрсаткич хар йилига ўртача 1,2% га ошганлиги аниқланди. Ушбу контингентни 60-74% да тизза бўғими гонартрозини турли даражалари аниқланган.

Мамлакатимизда аёллар орасида семизлик фонидида ривожланган гонартроз билан 45-60 ёшлиларда рўйхатдан ўтганларни сони ўртача 2,2млн ни ташкил этган бўлса, Гендер тенглиги бўйича бу кўрсаткич, аёлларда эркакларга нисбатан 2,5-3,0 баробарга кўплигини тасдиқлайди. Хоразм вилоятида жами 45-55 ёшлилар орасида семизлик фонидида ривожланган тизза бўғими остеоартрити (ТБОУ) аҳолини 10-12% ни ташкил этиб, шулардан, 1-2 даражали гонартрозлар 65-70% ни ташкил этса, 30-35%ни 3-4 даражали гонартрозлар ташкил этганлиги аниқланган.

Натижа ва муҳокама: Хоразм вилоятида яшовчи аёлларда турли хил семизлик фонидида юзага келган гонартрозларда тизза бўғими сон суяги юзаси гиалин тоғайи патоморфологиясида сон суяги бўғим юзалари гиалин қопласини юза, ўрта ва чуқур соҳаларидаги дистрофик, некробиотик ўзгаришлар эрозив дефектларни юзага келиши билан давом этиши жараёни давомийлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Хоразм вилояти иқлими кескин континентал, жанубий Орол бўйи худудида ноқулай экологик шароитлар ва сув туз алмашинуви, аёлларда семириш фонидида кундалик зарур бўлган оксил миқдорини етишмовчилиги бўғимларни ички мухити ўзгаришига ва шикастланишлар бўғим ичида тизимли кўринишида барча компонентларни шикастланиши билан давом этади. Тизза бўғими гонартрозининг 3-4 даражаларида бўғим юзасида кузатиладиган ўзгаришлар патоморфологик жиҳатдан энг оғир босқич ҳисобланиб, қайтмас деструктив жараёнлар билан характерланади.

Эпидемиологик жиҳатдан Ўзбекистон республикасида таянч ҳаракат тизимидаги сурункали деструктив касалликлар рейтинги бўйича, Қорақалпоқистон Республикаси ва Хоразм вилояти бошқа вилоятларга нисбатан 7,1-10,2% га кўп учраши билан характерланиб, илмий ишимизни мазмунини яънада ёритиб беришга хизмат қилади. унга кўра, аёлларда турли хил семизлик фонидида юзага келган гонартрозларда тизза бўғими сон суяги юзаси қуйидаги морфологик ўзгариш босқичлари аниқланади.

Ушбу босқичларда бўғим юзасида қуйидаги асосий ўзгаришлар аниқланади:

1. Тоғай тўқимасининг емирилиши ва деструкцияси, тоғайнинг тўлиқ йўқолиши: Бўғим юзасидаги гиалин тоғайи қавати жуда юпқалашади ёки айрим соҳаларда бутунлай йўқолиб, бўғим юзаси очилиб қолади.

Фибрилляция ва ёриқлар: Тоғай юзасида чуқур ёриқлар, тирқишлар ва парчаланиш (деструкция) ўчоқлари пайдо бўлади.

Менисклар дегенерацияси: Бўғим ичидаги менисклар ўз шаклини йўқотади, қаттиқлашади (склероз) ва кўпинча йиртилишлар ёки парчаланиш-лар кузатилади.

2. Суяк тўқимасидаги ўзгаришлар

Остеофитлар: Бўғим чегараларида суяк ўсимталари (остеофитлар) пайдо бўлиб, улар бўғим шаклини деформация қилади ва ҳаракатни чеклайди.

Субхондрал склероз: Тоғай остидаги суяк қавати механик босим туфайли зичлашади ва қаттиқлашади.

демак, гонартрозни оғир даражаларида гиалин қоплами емирилиши, коллаген толалар деструкцияси, изоген хондроцитларни экстрацеллюляр матрикс ишлаб чиқраувчанлик хусусиятларини кескин пасайиши тоғай тўқимасида репаратив регенерацияни кескин пасайиши ва қатмас жараёнлар билан намоён бўлса, клиник морфологик жихатдан кучли оғирқлар, ҳаракатларни чекланиши, бўғим юзаларида ўчоқли анкилоз, остеосклероз каби ўзгаришларни юзага келиши билан тугалланиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. Ятрогения на примерах из практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Ражапов А. А. и др. Туғруқ травмаларида чақалоқларнинг ўлим сабаблари //international scientific innovation research conference. – 2024. – Т. 1. – №. 9. – С. 20-22.
3. Раджапов О. А. Каримов Расулбек Хасанович, Очилов Собир Мардиевич, & Бекчанов Азизбек Жуманазарович.(2025). ТУРЛИ ХИЛ ПАТОЛОГИК СИНИШЛАРНИНГ ЁШГА ДОИР УЧРАШИ. INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE //SCIENCE, AND EDUCATION. – Т. 1. – №. 12. – С. 67-68.
4. Ражапов А. А., Каримов Р. Х., Очилов С. М. НАФАҚА ЁШИДАГИ БЕМОРЛАРДА ЧАНОҚ СУЯКЛАРИНИНГ НОСТАБИЛ СИНИШЛАРИ //AMERICAN JOURNAL OF APPLIED MEDICAL SCIENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 74-81.
5. Ражапов А., Каримов Р., Очилов С. ТУРЛИ ХИЛ ПАТОЛОГИК СУЯК СИНИШЛАРИДА СУЯК ТЎҚИМАСИ МОРФОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ //SOUTH ARAL SEA MEDICAL JOURNAL. – 2025. – Т. 1. – №. 2. – С. 84-90.
6. Машарипов, Жасурбек, Марон Олларипов и Расулбек Каримов.

«ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРИДА АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАР ТАВЛИЛИ». *Медицинский журнал Южного Приаралья* 1.4 (2025): 86-94.

7. Сабилов О., Каримов Р. ПОЛИЖАРОХАТЛАРДА ЎЛИМ САБАБЛАРИНИНГ КЛИНИК ВА МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 2. – С. 293-304.

8. Очилов С., Ражапов А., Каримов Р. ТУРЛИ ХИЛ ПАТОЛОГИК СУЯК СИНИШЛАРИДА СУЯК ТЎҚИМАСИ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 1. – С. 67-75.